

“Оммавий маданият” ва унинг олдини олиш

Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг, жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак” (Ислом Каримов).

Алоҳида эътибор беринг:

“Четдан”,

“биз учун мутлақо ёт”,

“маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган” “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкин.

Бу фикрда “оммавий маданият”нинг энг мукамал, умуминсоний таърифи бор. Яъни “оммавий маданият” бу - бизга четдан кириб келаётган, ўзбекона кадриятларимизга мутлақо ёт маънавий ва ахлоқий тубан иллатларни ўз ичига олган хуружлар йиғиндиси”, деса бўлар экан.

“Оммавий маданият” – бугун ёшларимиз онги ва қалбига киришга интилаётган мураккаб мафкуравий восита. Шу боис олий ва ўрта махсус касб ҳунар таълими ва ўрта умумтаълим мактабларида ўқувчи-ёшлар билан олиб бориладиган маънавий-маърифий ишларда унга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш учун ушбу маънавий таҳдиднинг мазмун-моҳиятини билиш тақозо қилинади. Ушбу рисола узлуксиз таълим муассасаларининг ижтимоий-гуманитар фанлар, хусусан миллий ғоя ва мафкура, маънавият асослари, маданиятшунослик фанлари ўқитувчилари, маънавий-маърифий ишлар масъуллари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия ишлари бўйича маслаҳатчилари, “Ахборот соати” ташкилотчилари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиларига илмий-амалий кўмак бериш мақсадида тайёрланди.

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” НИМА?

“Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилгандан сўнг, жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган “оммавий маданият” ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак”.

Ислом Каримов

1. Тарихи

Оммавий маданиятнинг пайдо бўлиши ва ривожлана бошлаши XIX аср охири ва XX аср бошларига тўғри келади. “Оммавий маданият” анъанавий маданиятнинг маълум йўналиши сифатида эмас, балки маданиятдаги сифат ўзгариши, ҳаёт тақозаси асосида юз берди. Оммавий ахборот ва коммуникация (радио, кино, телевидение, кўп нусхали газеталар, суратли журналлар, интернет) воситаларининг кескин ривож ва тарқатилиши бунга сабаб бўлди. Маънавий бойликларни индустриал тижорат ишлаб чиқариш ва тарқатиш, маданиятни демократлаштириш, аҳоли билим даражаси ўсиши билан бирга унинг маънавий эҳтиёжларида пасайиш жараёни кузатила бошлади.

Тадқиқотчилар оммавий маданиятнинг дастлабки шакли XIX асрнинг 30-йилларида адабиётда пайдо бўлган ва оммаланиб кетган саргузашт жанрини кўрсатишади. Аср охирида ҳафталик оммавий ахборот воситалари ана шундай асарларни тинимсиз чоп эта бошладилар. Вақт ўтиши билан ушбу жараёнга “Юрак матбуоти” ёки “Қалб индустрияси” деб ном бердилар. Аср охирида Америка Қўшма Штатларида оммавий маданиятнинг **комикс** шакли пайдо бўла бошлади. Бу жанр бошда фақат болалар учун мўлжалланган бўлса, бора-бора катталар ҳаётининг ҳам ажралмас қисмига айланди. Аниқроғи, “Оммавий маданият”нинг кескин ривож XX асрнинг ўрталарига тўғри келади. Шу вақтдан бошлаб у кенг қамров ва хужумкорлик билан тарқала бошлади.

Анъанавий маданиятда бўлганидек, оммавий маданиятнинг ҳам универсал характеристикаси ҳамон мавжуд эмас. Буни шундай тушунтириш мумкин. Гап шундаки, “Оммавий маданият” илмий-фалсафий категория сифатида ўзига яқдил учта тушунчани қамрайди. Биринчидан, **“маданият”** – алоҳида характердаги маҳсулот. Иккинчидан, **“оммавийлик”** – маҳсулотни тарқатиш меъёри. Учинчидан, “маданият” – маънавий бойлик.

2. “Оммавий маданият” ва ҳаёт.

Оммавий маданият ҳозир инсоният ҳаётининг барча жабҳаларига тез кириб бормоқда ва ўзи тарқалиш учун қулай маконни шакллантирмоқда. Коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида ўзига хос коммунистик маданият – коммунистик Собик Иттифоқ минтақасида, мафкуравий темир девор маданиятга жой қолдирмас эди. Темир девор йиқилгач, Оммавий маданият совет республикаларига селдек бостириб кира бошлади, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам. Шунинг учун оммавий маданиятнинг намоён бўлиш ҳолатларини илмий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиш муҳим заруриятга айланди. Файласуф А.Я.Флиер таклифига биноан оммавий маданият кўринишлари ҳамда йўналишларини қуйидагича белгилаш мумкин:

- “Болалар субмаданияти” индустрияси;
- Оммавий ижтимоий мифология; одамга мураккаб кадриятлар йўналиши тизимини жойлаштириш; дунёни кўп қиррали тушунишини оддийлаштириш;
 - Оммавий дам олишнинг ташкилий турларини, турли шоуларни, қизиқиш ва дам олишни саноат асосига кўчириш;
- Соғломлаштиришга қаратилган дам олиш индустрияси;
- Эҳтиёжни қондиришни бошқариш ва индивидуал, шунингдек, жамоа фойдаланадиган хизматлар, таклифларни рағбатлантириш тизимини ташкил этиш (реклама, имиджмейкерлик ва ҳоказо).
- Ҳар хил ўйинлар, механик ўйинлардан тортиб, электрон, компьютер ва бошқа воситалардан фойдаланиш;

³Шундай қилиб “оммавий маданият” – бир ўлчамли ҳодиса эмас. У ўзига хос тур ва даражага эгадир. Ҳозирги замон маданиятшунослигида, одатда, оммавий маданиятнинг учта асосий даражасини кўрсатадилар;

1. Кич – маданият (паст даражадаги, вульгар, беҳаёлар маданияти)
2. Мид – маданият (“ўртамиёна” маданият);
3. Арт – маданият (маълум бадиий мазмун ва эстетик қийматга эга маданият).

“Кич” сўзи немисларнинг “kitschen” олмошидан ҳосил бўлган ва савияси паст, арзон ва жўн асар яратиш, сотишни билдиради. Бундай асарлар ҳақиқий санъат дурдоналари соясида пайдо бўладиган бўш, эсан тез чиқиб, унутиладиган маданият маҳсулотларидир.

Муаммоларни чекланган, ҳаётдан узоқ қилиб тасвирлаш, образларни, ғоя ва сюжетларни қолипга солиш, майда турмуш ташвишларига ўралашиб қолган қатламга мўлжалланган маданият асарларини яратиш.

Мид-маданиятнинг қамрови кенг, даражаси анча баланд. У анъанавий маданиятнинг айрим хусусиятларини акс эттирса ҳам, оммавий маданиятга бевосита тааллуқлидир.

3. Санъатда намоён бўлиши

Арт маданияти одатда, аҳолининг билимли қисмига мўлжалланган оммавий маданиятдир. Унинг вазифаси оммавий маданиятни максимал даражада анъанавий маданият стандартларига яқинлаштиришдан иборат.

Бундан ташқари баъзи бир мутахассислар оммавий маданиятнинг яна икки алоҳида турини – **попмаданият** ва **рокмаданият**ни ҳам кўрсатадилар, чунки ҳаёт уларнинг ҳам яшовчанлигини ҳамда муайян табақадаги кишиларнинг онгини эгаллаганлигини кўрсатди.

Бунинг боисини америкалик сиёсатшунослар ҳам тан олишди. Бу ҳақда Збигнев Бжезинский шундай деган эди: “Агар Рим дунёга – ҳуқуқни, Англия – парламентни, Франция – маданият ва миллий республикачиликни берган бўлса, АҚШ – дунёга илмий-техника революциясини ва оммавий маданиятни тортиқ қилди”.

АҚШда бўш вақт, яъни дам олишни саноат асосига кўчирган. Аҳолининг бадиий жихатдан унчалик юксак бўлмаган талабларини қондириш (ёки ушбу талабларни шакллантириш) мақсадида оммавий бадиий адабиёт (фантастика, саргузашт, бульвар адабиёти, “аёллар” романи) дунёга келди. Шунингдек, арзон-гаров жангари, триллер, мелодрама ва бошқа фильмларнинг ғояси ва ўлчами битта – одамларнинг америкача муносабатларини қарор топтириш, мусиқа жанрида ҳам асосан ана шу мақсад кузатилади.

XX асрда жазнинг юзага келиши ва ривожланиши билан дунё мусиқа маданиятини ўзгартириб юборди. Жаз XX аср арафасида дунёга келди. Унинг томири негрларнинг анъанавий маданиятига бориб тақалади. Мусиқадаги ритмик паузаларнинг кучайиб, пасайиб туриши қора танлиларнинг “спричуэлс”, регтайм ва блюз каби ўзига хос ўйинларини эслатиб туради.

XX асрда ўйин маданияти мислсиз миқёсда тарқалди. Жаҳонни эгаллади. У бўш вақтни ўтказиш воситасига айланди. Дансинг ва дискотекага сифиниш юзага келди. Мусиқа шаклининг ривожланиши, эскиларининг йўқолиши ва ўйинда янги стил усулларининг кириб келишига сабаб бўлди. 1920 йилларда “**Чарлстон**” модада бўлса, кейинчалик унинг ўрнини “**степ**”, “**чечетка**”, жаздан ажралиб чиққан ирланд жигиси кейинроқ, 50 йилларда “**рок-н-ролл**”, 60 йилларда “**шейк**” ва “**твист**” хитга айланди ва унинг оммавийлигини таъминлашда барча воситалар иштирок этди: грампластинкалар чиқарилди, телевидение ва радиомаҳсулотлар тарқатилди. Бу “оммавий маданият” тарқатилишидаги энг омадли тижорат лойиҳаси эди.

– Диско ўйин йўналиши ҳозирги кунларимизгача етиб келди, у жуда оммавий бўлмасда, ҳали бор.

⁵“Оммавий маданият” бугун иқтисодиётнинг энг даромадли тармоғига айланиб бормоқда. Уни ҳозир “қизиқишлар индустрияси”, “тижорат маданият”, “поп-маданият”, “бўш вақтдан фойдаланиш индустрияси” деб атай бошладилар. Маълумки, меҳнаткашларнинг маълум қисмида бўш вақт сероб. “Оммавий маданият” мазмунини бойитишни тақоза қилади, чунки мамлакатимизда ишлаб чиқаришнинг тобора саноатлашиши, автоматлаштириш жараёнида аҳоли ўртасида “бўш вақтни ёпиш эҳтиёжи” ҳам ошиб бормоқда. Ана шу жараёндан ҳосил бўладиган муаммоларни ҳал этиш эҳтиёжи “оммавий маданият”ни юзага келтирмоқдаки, бу айниқса одамнинг онгига, яъни адабиёт ва санъатнинг барча турларига бевосита боғлиқдир. Кейинги ўн йилликда маданиятни демократлаштиришда кино, телевидение, кассета, спорт албатта (унинг томошабинга тааллуқли қисми) жуда муҳим каналлар ҳисобланмоқда. Улар айна пайтда турли тоифадаги одамларнинг тўпланишига сабаб бўлмоқда. Кўпинча уларни бирлаштирган истак – ўзларини психологик жиҳатдан бўшатиб олиш истагидир.

“Оммавий маданият” бозордаги товарга айланиб, муайян хусусиятлар касб этди. Аввало у “оддий” (буни жўнлик деб атаса ҳам бўлади). Чунки кўпинча бундай маҳсулотлар “кўча одами”га мўлжаллангандир. Оммавий маданият ўз вазифасини тўла бажариши, яъни ишлаб чиқаришдаги асабийликларни олиб ташлаши учун у энг камида қизиқарли бўлиши лозим. Албатта, бундай маданий маҳсулотлар интеллектуал жиҳатдан етарлича ривожланмаган одамлар эҳтиёжини қондириши мумкин ва инсон онги, кечинмаларига таъсир этади. Шунинг учун ҳам “Оммавий маданият”нинг “энг қизиқарли” ва ҳаммага тушунарли мавзулари – муҳаббат, оила, карьера, жиноятчилик ва хўрлаш, саргузашт, қўрқинч ва ҳоказолардир.

Мавзулар эксплуатациясидан унинг эгалари катта даромадлар олмоқдалар.

“Оммавий маданият” байналминал ва миллий бўлиши мумкин. Эстрада мусиқаси бунга мисол бўлади: у ҳаммага тушунарли ва барча ёшдагиларга, билим даражасидан қатъий назар, аҳолининг барча қатламларига ўнғай.

“Оммавий маданият”нинг бадиий қиммати халқ маданиятидан пастрок бўлади. Лекин унинг аудиторияси кенгрок, чунки у муаллифли, у одамларнинг **ҳозирги дақиқалардаги** эҳтиёжини қондиради, ҳар қандай янги воқеа ва ҳодисаларга ҳозиржавоб бўлади. Маълум вақт ўтгач, улар ўз долзарблигини йўқотади, эскиради ва

модадан қолади. Юксак даражадаги асарлар ва халқ маданияти бундай қисматга учрамайди.

1917 йили большевиклар ҳукуматга келгач, аввало улар маданиятни ислоҳ қила бошладилар. Бадиий ижод аҳлидан пролетарлаштирилган халққа асарлар яратишни талаб этдилар. Улар шундай шиорни олға сурдилар: “Санъат халққа тушунарли бўлиши лозим”. Большевиклар бу шиорни немис марксистси Роза Люксембургга тегишли, деб эълон қилдилар. Кейинчалик у аслида бундай демаганлиги маълум бўлди. У шундай деган экан: “Санъатни халқ тушуниши лозим!” Биринчи шиорда юксак маданиятни онги жўн халойиқ, оломон даражасигача тушириш назарда тутилган. Иккинчисида халқни жаҳон маданияти даражасига кўтариш учун ўқишга ва такомиллашишга чақиради.

4. Ҳаммабоплик сабаблари

Энди оммавий маданиятнинг машҳурлик ва ҳаммабоплик сабабини аниқлашга уриниб кўрамиз. Аҳоли билан уларга тушунарли бўлган ўртача тилда мулоқот ва муносабат қилиниши оммавий маданият усуллариининг муҳим жиҳати ҳисобланади, бундан ташқари, бошқа киши онгига бевосита боғлиқ жиҳатлари ҳам бор. Масалан, индивиднинг ижтимоий воқеа ва жараёнларда маънавий ва интеллектуал иштирок этишни хохламаслиги. Бошқача айтганда, кўпчилик жамият аъзолариининг онги пассивлиги. Бунга ёшларнинг маълум қисмида маданият маҳсулотларига, жумладан, “оммавий маданият”га сўнгги стандарт деб қараш истагидир. Ахборот технология воситалариининг кучайиб кетганлиги боис бўш, ўта саёз маданият маҳсулотлари ҳам бозорга чиқарилмоқдаки, уларнинг кўпчилиги маънавиятни юксалтириш мақсадида эмас, балки тижорат мақсадида тарқатилмоқда. Натижада анъанавий маданият маконида мумтоз халқ ижодиёти ёнида аҳоли онгини билим ва тафаккурини ўтмаслаштирадиган ижод маҳсуллари ҳам кўпайиб бормоқда. Бу борада мамлакатимизда бир қатор ташкилий-маърифий, маънавий ва моддий чоралар кўрилмоқда, албатта, лекин бундай маҳсулотлар ҳаётимизга селдай кириб келиши ҳамон тўхтамаётир. Бу эса мутасадди маданий ва илмий жамоатчилик олдида муҳим вазифалар кўяди.

5. “Оммавий маданият” ва ёшлар

XX асрнинг 80-йиллар иккинчи ярмида собиқ шўролар мамлакатаида бошланган истиқлолга интилиш ҳаракатлари шўролар давридаги мудроқликка чек қўйди. Коммунистик цензура ҳамма вақт ёқтирмай танқид қилиб келган “оммавий маданият” оммавий ахборот воситасида ҳаётимизга фаол кириб келди ҳамда аҳоли ўртасида яшиндек ёйила борди. Бунга катта ёшдагиларнинг маълум даражада қаршилиқ кўрсатгани, қабул қилолмагани, анъанавий маданий қадриятлар улар онгу-шуурига анча чуқур ўрнашгани кўзга ташланиб турди. Лекин ёшларнинг катта қисми, айниқса, талаба ёшлар шўро даври маданий қадриятларига танқидий кўз билан қарадилар. Янги замон “оммавий маданият” маҳсулотларининг кутилган харидорига айландилар. Улар учун бу маҳсулотларнинг ўзимизники ёки хорижники эканлиги унчалик ҳам аҳамиятли эмас эди ва ҳамон шу жараён давом этмоқда. “Жаҳон тўри” деб ном олган интернет тизими орқали “оммавий маданият” маҳсулотлари ҳеч қандай тўсиқсиз мамлакатимизга кириб келмоқда ва айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарқалмоқда.

Маълумки, ўсмирлар, ёшлар, талабалар янгиликка интилувчан, тенгқурларига ҳавасманд, модапараст, хориж стандартларини осон қабул қилишга ружу қўйган

бўлади. Улардаги ана шу ижтимоий-психологик ҳолат кириб келаётган шубҳали кадриятларга танқидий ёндашувни чеклаб қўймоқда. Мақбул ёки номақбуллиги ҳақида муайян фикр-мулоҳазаси бўлмаган ёшлар ҳаётимизга, миллий минталитетимизга мос келмайдиган мафкуравий маҳсулотларни матбуот орқали қабул қилишга ошиқмоқда. “Оммавий маданият” ташқи кўриниши, осон ўзлаштирилиши билан уларни қизиқтирмоқда. Турфа ғоя ва рамзлар замонавий модалар оммавий маданият маҳсулотлари ёшлардан чуқур фикр-мулоҳаза юритишни талаб этмайди, ҳар хил ҳаёт ташвишларидан, турмуш муаммоларидан “халос” этади, жасадни ва руҳни дам олдириш, уларни ўқишга, билим олишга эмас, балки ўйнаб-кувнаб, “яшаб олиш”га чақиради. Аслида “оммавий маданият”нинг, уни тарқатаётганларнинг ҳам асл мақсадлари шундан иборат. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 60 фоизини ёшлар ташкил этишини ва “оммавий маданият” муаллифлари айнан ана шу аудиторияни назарда тутаётганини эътиборга олсак, вазифаларимиз масъулияти аниқ аён бўлади.

Ёшларнинг бадиий эҳтиёжларини қондириш, улар ўртасида “оммавий маданият” маҳсулотларининг тарқалмаслиги учун муайян ишлар амалга оширилаётир, албатта уларнинг санъатга, адабиётга ва бошқа маънавий маҳсулотларга бўлган эҳтиёжларини ўрганиб бориш ҳозир изчил олиб борилмоқда.

Битирувчиларда эса аксинча, санъатни кундалик ташвишлардан халос этиш воситаси деб қараш энг юқори балл, яъни 53,5 фоиз овоз олди, яъни сўровда қатнашган битирувчиларнинг шунчаси санъатга шундай восита деб қарар экан. Уларнинг орасида санъатга эстетик завқ бериш манбаси деб қаровчилар ҳам оз эмаслиги маълум бўлди. Биринчи курсларга нисбатан санъатни ижодга рағбатлантирувчи восита деб қаровчилар 7,7%, кадриятларни шакллантириш воситаси деб қаровчилар эса 5,2% кам экан.

“Оммавий маданият”нинг ҳаётимизга бостириб келишида дастлаб оммавий ахборот воситалари асосий ролни ўйнади. Бугунга келиб эса, реклама унинг ажралмас йўлдошига айланиб қолди. Бозор қонуниятлари “оммавий маданият” маҳсулотларини кенг тарқатишдан манфаатдор бўлиб майдонга чиқмоқда. Замонавий аудио-видеотехникалар, овоз ёзиш ва кучайтиргич асбобларининг юзлаб турлари “оммавий маданият” маҳсулотлари рекламаси билан кун кўрмоқдалар. У саноат асосига кўчирилгач, ўртача, бўш “оммавий маданият” маҳсулотларини кўпайтириш ва сотиш бўйича қудратли тизим яратилди. Истаган дўкондан дунёнинг ҳар қандай хонанда ёки созандаси ижро этган қўшиқ, клип аудиовидеотасмасини топиш мумкин. Санъатга, “оммавий маданият”га масъулиятсизлик билан муносабатда бўладиган, енгил-елпи ижод билан элга танилган санъаткорлар армияси пайдо бўлди. Ўзлари шоир, ўзлари композитор бўлган, мусикий маҳсус билими бўлмаган жуда кўплаб гуруҳлар пайдо бўлди ва улар ўз маҳсулотларини истаганча реклама қилмоқдалар. Ёшлар эса ана шундай сийқаси чиққан, лекин маълум маънода “ўз аудиториясини топган”, “санъаткор”лар армияси билан юзма-юз турибдилар. Реклама – яратувчи куч эмас, балки у оммавий психологияни акс эттирувчидир.

Баъзан клипларда чиройли қизлар ва йигитлар нима деётганлигини ўзлари ҳам тушунишмайди. Кучли мусиқа садоси остида нималардир дейишади, машиналарга ўтириб қаерларгадир боришади. “Оммавий маданият” маҳсули бўлган бундай “асарлар” миллат минталитетини пасайтиришга хизмат қилаётгани сир эмас. Реклама нима дейди? Бирорта ширин ичимликни истеъмол қилиб чексиз роҳат ва фароғат олиш мумкин. Бирор нарсага эришиш учун жон куйдириш, тер тўкиб, меҳнат қилиш шарт эмас, ичимликни сотиб олиш керак ва уни истеъмол қилиш керак. Ёки ёзиб

олинган фонограммага мос қилиб, лабни қимирлатиб туравериш керак, тамом вассалом. Энди ўсиб, жамиятга кириб келаётган ёшларга, ўсмирларга ҳам ОАВлар шундай таълим бермоқдалар ва у қай бир даражада ўз харидорини топмоқда ҳамда онгига таъсир этмоқда. Демак, “оммавий маданият”нинг ана шундай сийқаланиб, жўнлашиб бориши ҳаммамизни огоҳликка чорлаши лозим.

Маданий товарлар бозорининг “талаб ва таклиф”лари

Соатлар ҳар хил бўлади – қуёш соати, сув, қум, механик, электрон, кварц соатлар.... Қуёш соати - қуёшсиз, сув соати - сувсиз, қум соати - қумсиз, электрон соат – электр тоқисиз, кварц соат – батареясиз ишламайди. Фақат механик соатнинг ишлаши эгасига боғлиқ. Қулоғини бураб, “дам солса”, юраверади.

Кварц соат - бошқача. “Аввал батареянинг пулини тўлаб қўйинг, хўжайин”-, дейди гўё. Батареясиз соат – бефойда матоҳ. Соат сизники, лекин унинг юриши сизга эмас, батареяга боғлиқ. Батарея эса уни ишлаб чиқарувчига боғлиқ. Мана энди сиз батарея ишлаб чиқарувчининг муҳтожига айландингиз. Кимдир сизнинг компьютерингизга тушсин, деб “Чувалчанг”, “Троян оти”, “Почта жўнатмаси” деган вирусларни тайёрламоқда. Вирус тушса, антивирусини топишга ҳам ўзлари ёрдам берворишади. Ана шундай. XXI асрда бир қўли билан - касални, иккинчи қўли билан унинг дорисини сотаётганлар кўп.

Разм солсак, нафақат батареяга, антивирусга, балки улардан ҳам муҳимроқ кадриятларга бўлган эҳтиёжларимизни эгаллаб олишга интилаётган гуруҳлар борга ўхшайди. Масалан эстетик, маданий эҳтиёжларимизни. Улар анчагина ишни қилиб ҳам қўйишибди. Улар ким бўлди? Улар - “оммавий маданият маҳсулотлари”ни ясовчилар.

Президентимизнинг юқорида келтирилган огоҳлантирувчи фикри футболкалардаги ёзув, суратлардан, дисклардаги кўшиқ, фильмлар, дисплей, экран, аудиоплеерлардан, қураётган хусусий бинолардан, суҳбатлардан, китоб, газета ва журналлардан бизга ёғилаётган балолар устидаги пинҳонлик пардасини олиб ташлади. Биз билиб-билмай: “Ҳа, энди ёшлар бошқача-да. Қўяверинг, ўйнаб кулсин. Вақти соати келиб, босилиб қолар. Ўзимизга қайтар. Қаёққа ҳам борарди”, деймиз. Бугун бу бефарқликка, масъулиятдан чекинишга ўхшаб кетмоқда.

Дастурхонимизга қаранг. Гибрид(ясама) бемаза олмалар ўзимизнинг ширин, ҳақиқий Бахмал олмаларини сиқиб чиқармоқчи. Айримлари дастурхонимизнинг тўрига чиқиб ҳам олди. Чиройли гибрид олманинг таъми сувникидай. Чиройлию, зарарли. Шундай экан, энди оммавий маданият товарларини ишлаб чиқарувчилар осиб қўйган ёрликлардан эмас, улар кимларни, нималарга ўргатмоқчи эканлигидан, ўргатганлигидан келиб чиқиб хулоса қилиш керак бўлади.

“Оммавий маданият”нинг ўзбеклар онги ва қалбига тажовузи анча олдин бошланган. “Шум бола” фильмини бир эслайлик. Унда бир европалик Тошкентга келиб, ўзбекларнинг бир тангасини олиб, эвазига “оинаи жаҳони”дан яланғоч аёл суратини кўрсатади. Ҳозир ўша жанобнинг неваралари боболари касбини давом эттиришаётир. Бу ишни индустрияга айлантиришди. Унинг номини “оммавий маданият”, яъни ҳамма кўриб, пул тўлайдиган, инстинктларни уйғотувчи, ҳаммабоп, ҳаммага тушунарли маданият деб аташди.

Педагог маслаҳати

“Оммавий маданият” иборасини қандай тушунса, тушунтирса бўлади? “Биласизми”, дейди бир педагог. “Мактабда ўқувчиларнинг билими 1 синфдан

9-синфга борган сари қийинлашиб боради. 1 синф боласи тушунган нарсани 3-синф боласи албатта яхши билади. Лекин 3-синф боласи тушунган нарсани 1 синф боласи тушунмайди.

Оммавий маданият – 1 синф болалари учун янги, завқли, ҳайратли нарсаларни 4,5,6,7,8,9-синф болалари орасида ёйишга ўхшайди. Чунки 1 синфнинг 25 боласига тушунарли нарсалар кейинги 8та юқори синф болаларига албатта тушунарли бўлади.

9-синф болаларига тушунарли нарсалар 5-,4-,3-синфлар орасида ёйилса-чи? Бўлмайди. Чунки билим етишмайди. Қуйи синф ўқувчилари 9-синф даражасида фикрлай олмайди. Қабул қилишмайди. Ҳазм қила олишмайди. Шунинг учун ҳам оммавий маданият ибтидоий (3-синф) даражасига қурилади. “Оммабоп”лик, яъни ҳаммага тушунарлиликни суиистеъмол қилади. Бу – 2-, 4-, 6-, 9-синф ўқувчиларини битта хонага олиб кириб ўқитишга ўхшайди.

Ҳаммага тушунарли нарсанинг харидори ҳамма бўлади. Демак, кўп бўлади. Ана шунинг учун ҳам “оммавий маданият”чиларга 9-синф болалари (миллий маданият)савиясини 3-синф даражаси(оммавий даража)га тушириш иқтисодий фойда келтиради. Чунки кўпроқ истеъмолчи қамраб олинади. Оммавий маданият шу тариқа ўз бозорини шакллантиради. Демак, фойдани кўпайтиришга ёрдам берувчи барча воситаларни ишга солиш керак.

Жамият, миллатлар, инсоният диди, савиясини пасайтириб, маҳсулотларига харидорларни кўпайтира боради. Пулни кўп ўйламай, тез ишлатувчи бир тоифа бор. Уларн – ёшлар. Демак, ёшларнинг кўзлари тушадиган, қулоқлари эшитадиган ҳамма нарсани эгаллаш керак. ОАВ, интернет, ўйинчоқ, мультфильм, гейм хоналар, дисклар, дафтар муқовалари, футболка суратлари, реклама, мусиқа, слэнглар ва ҳ.к. ”, - деди.

Шашмақом, Бетховенни тушуниш учун одамдан юқори мусиқавий маданият талаб этилади. Ибтидоий, 2/4 ўлчовли куй-қўшиқ(масалан, “Қарғалар” кўшиғи)ни ҳамма тушунади. Биз “Шашмақом, Бетховенни ўчир. “Қарғалар”ни кўй” деймиз. Нега шундай деймиз? Сабаб – Шашмақом, Бетховеннинг ёмонлиги эмас, балки шўролар йилларида бизнинг мусиқий маданиятимизнинг ажодларимизники даражасидан пасайтирилганлигида. Ана шунинг учун ҳам “2008 - Ёшлар йили” доирасида аҳолининг мусиқа маданиятига алоҳида эътибор берилиши миллий маънавият, санъат ва маданиятимиз ривожига улкан аҳамият касб этди.

Хуллас, одамлардан пухта маданий билимни, дидни, тайёргарликни шарт қилиб, талаб қилувчи миллий маданиятни – маликага, бўяниб, пардозланиб, одамларнинг инстинкларини уйғотиб, орқасидан эргашиб юрувчи оммавий маданиятни – хулқи номаъқул аёлга ўхшатиш мумкин.

Театршунос Шухрат Ризаев талқини билан айтганда “Юксак маданият оммавий бўлиши мумкин эмас. У юқори дидни, бадиий меҳнатни, тайёргарликни талаб қилади. Афсуски, баъзи театрларимиз учун репертуар сиёсатини белгилашда одамлар дидини юқорига, юксакка кўтаришга эмас, балки одамларнинг орқасидан эргашишга мойилликни кўрсатмоқдалар. Бу йўл билан кассага тушумни кўтариш мумкин. Лекин бебаҳо миллий маънавий бойлигимиз - ўзбекистонликларга хос юксак бадиий дид даражасини ўртамиёна, оммабоп, “бизларга шу ҳам бўлаверади”,- дейдиган даражагача тушириб, пасайтириб юбориши мумкин.

Шунинг учун биз ёшларимиз, халқимиз дидини пасайтириш, тушириш йўлидан эмас, балки аксинча, кўтариш, юксалтириш йўлидан боришимиз керак. Бу – маданият, санъат аҳлининг миллий бурчи бўлмоғи керак”(2007 йил 22 ноябрь. Жиззах шаҳри).

Шўро даврининг ўз худудий оммавий-синфий маданияти – “совет маданияти”си бор эди. Совет маданияти назариясида миллий кадриятларга содиқ одамларни қолоқ, маданиятсиз, миллатчи қилиб кўрсатиб, репрессия қилиш назарий асосланди. Афандинамо ошхўр пахтакор - Қўчқорбой образи яратилди. Ўзбеклар ана шундай кўчқорбойлар миллатига айланиши керак эди. Шундай “намуна”ни тарғиб қилувчи кинофильмлар суратга олинди. Иқтидорли актерларимиз етакчи ролларни ўйнадилар. (Шу топда хитойлик машхур актер Жики Чан ҳақидаги бир миш-миш эсга тушади. Унга голливудда хитойликлар тўғрисида салбий тасаввур қолдирувчи ролни таклиф қилишибди. У кесиб: “Мен Хитой, хитойликлар тўғрисида салбий фикр пайдо қилувчи ролни ўйнамайман”, деган экан. Голливудлик продюссерлар буни кўриб: “Жики Чан яхши актер-у, пул ишлашни билмайди-да”, деб мийиғида кулиб кўйишган экан).

Инсон = хайвон

Оммавий маданият руҳидаги фильмлар инсон кадр-қимматини тобора тушира борди. Ҳаётий фожиалар бадийий фильмларга сюжет қилиб олина бошланди. Россиянинг ТВ 3 телеканали 2007 йил соат 22да бир оила ҳақида бадийий фильм кўрсатди. Фильм тафсилоти: Бир токар пенсияга чиқади. Бекорчиликдан нима қилишни билмай, ҳамма экинларни кесиб, ҳовлини автомобил турар жойига ўхшатиб кўяди. Фарзанд кўришмаган.

Эрталаб. Эр-хотин нонушта қилишмоқда. Хотини ташқаридан ити Бобни чақириб, овқатини беради. Боб бир килограмм лаҳм гўштни икки ямлаб бир ютади. Буни кўрган эр безовталаниб, хотинидан:

- Итга лаҳм гўшт бердингми?, деб сўрайди. Хотини:
- Ҳа.
- Нега?
- Ахир у ҳам овқатланиши керакку, дейди.

Шу топда дераза олдида 7-8 қарға келиб кўнади. Хотини улар учун махсус пиширган пишлоқларни беради. Балиқ, мушук, олмахонларга ҳам махсус пиширилган овқатларни беради. Буни кўриб, эрининг жони чиқиб кетади:

- Кэрри. Қачондан бери хайвонларни шунақа овқатлантирасан?
- 36 йил бўлди, Клайд. Сенга турмушга чиққанимдан буён. Нима эди?

Клайд тутақиб:

- Нега шу пайтгача айтмадинг? Сен ҳали 36 йил ўзимни аямай, меҳнат қилиб топган пулларимга хайвонларни боқдингми?, деб ўшқиради. Ана шунда хотини Кэрри:

- Боб. Ахир улар менинг дўстларим-ку, дейди.

Эрининг исми Клайд, лекин хотини адашиб, Боб (итининг номи билан) чақиради. Итга бериладиган дориланган бутербродни адашиб, эрига беради. Уй ғурбатга тўлади...

Ҳаётни қайта бошлашга келишиб олишади. Клайд хотини билан ўзининг “қизиқишларини яқинлаштириш”га киришади: ит, мушук, олмахон, балиқларни сўяди. Териларига сомон тиқиб, ертўлага қатор қилиб, териб кўяди. Буни кўргач, хотинининг эсхонаси чиқиб кетади ва болға билан эрининг бошига... туширади.

Орадан бир неча кун ўтиб, терисига сомон тиқилган Клайд хайвонлар орасидан жой олади.

Эшик олди нега супурилади? Бир саволга икки жавоб

Бир Самарқандлик олим ҳикоясидан(2007 йил 12 март):

Лос Анжелесда бир физик ҳамкасбим бор. Фрэнк. У 2006 йилнинг январида илмий ишига маслаҳатчи бўлишимни сўраб келувди. Уйимда 3 кун меҳмон бўлди. 24-февраль куни эрталаб турсак, қор ёғибди. Қизим дарвоза атрофини супураётган эди. Буни кўрган Фрэнк:

- Ҳ-м-м. Суғурта – жиддий масала, деди.

- Ниманинг суғуртаси, дедим тушунмай.

- Сизда ер участкаси бор. Унинг бир қисмидан бошқа одамлар юриб ўтади. Сиз ўша ернинг қорини кураб туришингиз керак. Агар курамасангиз, бирор киши сирпаниб, қўли синса, унга сиз суғурта пулини тўлайсиз. Шунинг учун эшик олдини супурасиз, деди.

Мен унга ўзбекларда ҳар куни, доимо қуёш чиқмай эшик олди, ҳовли топ-тоза қилиб супурилишини айтдим. Бу – миллий анъана дедим.

У жиддий тинглади. Ўйлади. Мени тушунишга уринди. Лекин, бўлмади. Менга табассум қилиб, бошини сарак-сарак қилиб, “Ҳамид, мени кўндирма. Бу - суғурта” деди.

Фрэнк ўзбеклар ҳам суғуртадан қўрқиб эшиги олдини супуради, деган ўз фикрида қолди. Ишонмади.

Эшик олдиға ёққан қорни Бостонда ҳам, Бўстонликда ҳам, Форишда ҳам, Парижда ҳам курайдилар. Иш – бир хил, лекин сабаб – икки хил. Бўстонлик, Форишда – маънавий: супурсам, савоб бўлади. Ўтганлар дуо қилишади. Уйим фариштали бўлади. Супурмасам УЯТ БЎЛАДИ. Бостон, Парижда – молиявий. Супурсам, зарар кўрмайман. Чунки бирортаси йиқилиб, қўли, оёғи синса, суғурта пулини мен тўлашим керак. Супурмасам, ЗАРАР БЎЛАДИ.

Бир саволға икки жавобни кўринг: биринчиси – ўзбекона маданиятнинг, иккинчиси – “оммавий маданият”нинг жавоблари. Қайси бири маданиятлироқ? Инсонийроқ?

“Оловли сув”нинг ишлари

1492-йил Колумб ва шерикларининг этиги серҳосил, жаннатмонанд Америка ерини босди. Эгалари содда, меҳмондўст, мард қизил танлилар. Шунда ғолиблар “маданият” олиб келдилар. Ерли аҳолиға шиша мунчоқларни бериб, олтин ёмбиларига айрибошлаб ола бошладилар.

Кичик-кичик ароқ заводларини куриб, ҳиндуларни “оловли сув”(ароқ) ичишға ўргатдилар. Ароқ ва порох ёрдамида дастлаб ҳиндуларнинг Ньюпорт вилоятидаги 100 км радиусдаги ер майдонини эгаллаб олишди. Бу “маданий” восита жуда камчиким, сердаромад эди. Шунинг учун бу восита кейинчалик бошқа давр ва жойларда ҳам кенг қўлланилди.

Шундай қилиб, “маданий” босқинлар тарихининг бошланишини сал олдинроққа – ХУ11 асрга кўчиришға тўғри келади. Одамларни ёппасига маст, беҳуш қилиб, уларнинг ихтиёру эҳтиёжини эгаллаб, боғлаб, қул қилиш. Бир қўлда ароғу, бирида револьвер. Бири – онгга, бири - жонга ўқталган қуроллар. Шу тариқа буғдойранг, содда, самимий, меҳмондўст, мард ҳиндулар ўз ватанида тезда бегоналарға айланиб бўлишди. Бу – оммавий маданиятнинг биринчи қуроли – ароқнинг ғалабаси эди.

Ҳозирги мазмундаги оммавий маданият Х1Х аср охири – ХХ аср бошида шаклланди. Оммавий ахборот ва коммуникация(радио, кино, телевидение, кўп нусхали газеталар, суратли журналлар, кейинчалик Интернет)нинг кескин ривожини бунга сабаб бўлди. Маънавий, маданий товарларни ишлаб чиқариш индустрияси

пайдо бўлди. Шундай қилиб, аҳолининг функционал билимларида – кўтарилиш, маданиятида, маънавиятида эса - пасайиш кузатила бошлади.

Кўпдан кўп фикр чиқади. Келинг, бирга жавоб қидирамиз. Жорж Фридман(Торонто): “Оммавий маданият деганда биз техник цивилизация шароитида оммавий ахборот воситалари томонидан кенг оммага ҳавола этиладиган маданий истеъмол кадриятлари йиғиндисини тушунамиз”(1962й.).

Бернард Розенберг(АҚШ): “Оммавий маданият”нинг асосий сабаби – замонавий техника. На миллий характер, на иқтисодий, на сиёсий тизим бу масалада ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас”(1965й.), дейди.

“Оммавий маданият” ва унинг кадриятлари кенг оммага қаратилган. Улар оммавий техник тарғибот воситалари орқали тез, бирданига тарқатилади. Оммалаштирилади. Оммавий маданият шундай глобаллашади, қабул қилинади. Бу ўз-ўзидан бўлмайди. Муайян сиёсий, молиявий гуруҳлар томонидан ташкил қилинади. Бироқ, бизни бу гуруҳлар оладиган фойда эмас, балки маданий маҳсулотларнинг ғоявий-эстетик хусусияти қизиқтиради. Чунки бу маҳсулотлар ҳаётий воқелик эмас, унинг ясамаси, санъат асари эмас, балки суррогатдир. Олма эмас, унинг тулупи, расми, макети.

Оммавий маданиятнинг онаси - Америка. Збигнев Бжезинский бу ҳақда: “Агар дунёга ҳуқуқни - Рим, парламентни - Англия, маданиятни - Франция берган бўлса, АҚШ - фан ва технологик революцияси билан оммавий маданиятни берди, - деган(Танец в системе массовой культуры. Л.П. Морина. Российская массовая культура конца XX века. Материалы круглого стола. 4 декабря 2001 г. Санкт-Петербург. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество. 2001. С.43.) эди.

Шундан сўнг одамнинг феъли, хулқи ҳам ўзгарди. Илгари унинг вақти кўп эди. Кун тартибини ўзи тақсимлар эди. Ишлаб-чиқариш, турмуш автоматлашиб, одам “машиналашиб” яшай бошлади. “Машиналар орасида яшаётган одам” чуқур ўйга тола олмас, орзулар оғушида яшай олмас экан. Унинг маънавияти, севгиси, кайфияти, ишқибозлиги, муҳаббат ёки нафратининг машиналар учун аҳамияти йўқ экан. У – фалон вақт оралиғида фалонга стандарт операцияларни бажариб турса, бас. Шундай қилиб, янги машиналар лойиҳалари ҳақида ҳаёл суриб, суратини чизиб, ясаган одам ўзининг машиналар оиласининг аъзоси, қисми бўлиб қолганини билмай қолди.

Жозибали ўлим

Барча асосий динлар инсонлар орасидаги, жумладан, эркак ва аёл муносабатларининг маданий меъёрларини ҳам яратган. Бунинг мисолларини ислом дини мисолида яхши биламиз. Христиан дини ҳам ўз қавмларини биологик, тубан хоҳишлардан тийилиш, атрофдагиларни эъозлаш, севиш руҳида тарбиялаган. Масалан, эркак ва аёл муҳаббати христианларда ҳам икки ёшнинг оила қуриши учун асос ҳисобланган. Оғир-босиқлик ва андиша маъқулланган. Жинсий бузуклик қаттиқ таъқиб қилиниб, жазоланган. Содомистлик, бесоқолбозлик, гомосексуализм худога қарши жиноят деб ҳисобланган. Бунинг учун ҳатто қатл қилинган.

Оммавий маданият эса бунинг тескараси - “сексуал эркинлик”, “сексуал мўлжални танлаш эрки”нинг тарафдори. Қачон, қаерда, ким билан, нима билан? Бунинг аҳамияти йўқ. Ана шу ғоя XX асрнинг 50-60 йилларида АҚШ ва Ғарбий Европада сексуал революцияни бошлаб берди. Бу аслида оммавий маданиятнинг христианликка, худога қарши революцияси бўлди. Бугун худо уларни жазоламоқда. Бузуқи йигитлар 20-30 ёшида нотавон, енгилтабиат қизлар эса бепушт бўлиб қолишмоқда.

Барча динлар, миллий маданиятлар ўсмир қизларга “Ўзингни бокира тут. Асра”, деб келди. Оммавий маданият эса “Контрацептивдан фойдалан. Партнерингни хадеб алмаштираверма. Хўпми!”, деб насихат қилмоқда. Бугун у ўз насихатини ўзбекларнинг қизларига айтиш учун келаётир.

Оммавий маданиятга, у билан ёпирилиб келаётган маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларига нимани қарши қўйса бўлади? Миллий маданиятни, миллий тарбияни, миллий маънавиятни, ота-боболаримиз эътиқод қўйиб келган исломий кадриятларни. Ана шунинг учун ҳам Ўзбекистон МДХ мамлакатлари орасида биринчи бўлиб мактаб, коллеж, институтларда диншунослик асослари предметини жорий этди. МДХнинг айрим пешқадам давлатлари бу маърифий ташаббуснинг самарасини тез ҳис қилдилар. Масалан, Россия Федерацияси мактабларига 2006 йилдан бошлаб “Православ(ислом, Буддийлик) маданияти асослари” ўқув предмети жорий этила бошланди.

Патрик Бьюкенен, Олег Платов, Герхох Райзеггерлар фарёдини ҳеч ким эшитмаётир. Жиловланмаган нафс ғарбни эвтаназияга бошлаб бормоқда. Лаззатли ўлим уни ўз оғушига тортиб, ютаётир. Ғарбни фақат тикланган халқчил, миллий маънавият, ахлоққина асраб қолиши мумкин. Лекин бу ишни ташкил этишга ғарбнинг хафсаласи, иродаси етармикан? Фикримиз ана шу ерга келганида беихтиёр ўзимизнинг илдизи 3000 йилдан ортиқ чуқур, бой ва теран тарихдан бошланиб, сақланиб, бойиб бораётган маънавият соҳиблари эканлигимиздан шуқр қиламиз. Фахрланамиз. Шундай эмасми?!

Олимларимиз изланишлари натижалари бундан ҳам асосли чиқмоқда. Файласуф олималаримиздан М.Қаҳҳорова “Маънавий идеал ва жамият ахлоқий муҳити” номли рисоласида Ғарбда:

- эркак ва аёлларнинг кийиниш маданиятида фарқ йўқолиб бораётгани;
- авлодлар орасида ўзаро хурмат йўқолиб бораётгани;
- яшаш – фақат “айш-ишрат қилиш” бўлиб қолгани;
- ҳар бир нарса эркинлик манбаи бўла олиши;
- “нимани хоҳласанг ўшанга амал қил ва унга бўйсун”деб яшаш;
- ахлоқий муносабатлар(эр-хотин, кекса-ёш)ни “тенглик” ғоясига қурбон қилиш;
- файласуф Ж.Сартрнинг “мутлоқ кадриятлар йўқ. Асосий муаммо инсоннинг қайси кадриятни танлаб олишида” деган фикрига амал қилиш, бироқ, унинг “бу масалада масъулиятни унутмаслик керак” деган фикрини унутиш;
- психолог З.Фрейднинг “инсон учун муҳим тамойил - эҳтиёжни қондириш” деган қарашига амал қилиш, бироқ, унинг “жамиятнинг умум институтлари билан ҳисоблашиш” тамойилига амал қилмаслик;
- иқтисодчи М.Вебернинг “одамларни жуда кўп бойлик орттиришга ва харажатларни кўпайтириб бориш” чақирғига амал қилиш, бироқ бунда “протестантизм этикасига амал қилиш” керак, деган талабини бажармаслик;
- “Ҳеч нарсани ўйламанг, фақат қандай йўл билан бўлса ҳам мулк топинг ва еб ичинг” шиорига берилиш(Шўро давригача Эстонияда йўллар четида бир челақ сут, ёнига пиёла тураркан. Одамлар сутни ичиб, пулини қолдириб кетаркан. Шўролар совет оммавий маданиятини олиб келишди ва ... челақлар сути, пиёласи билан йўқола бошлади. Ўғирлаб кетаверишди. Оқибатда бу анъана йўқолиб кетган экан. Бизда эса “Бировнинг молига тегма. Ҳаром бўлади”, деган қаттиқ тамойил 2007 йилнинг 8-ноябрида ҳам амалда. Сўх туманида 1887 йилда қурилган шоли тегирмони бор. Тегирмонга ҳамма ўз молини солиб, иши битгач 10% шолини қолдириб кетаверади. Ҳеч ким бировнинг молига хиёнат

- қилмайди. Ўғирламайди. Ёки Сурхондарёнинг Омонхонасида тоғ бағрида бир ғор бор. У ерда аҳоли йиллар давомида сарёғларини тўплайди, саклайди. Қоровул йўқ, лекин ҳеч ким бировнинг молига хиёнат қилмайди. Ҳозир ҳам);
- олимларнинг “анъанавий маданиятни сақлаб қолиш”, “дунё цивилизациялари билан мулоқотга киришиш”(Йонас Г. Принцип ответственности. –М.: Астра. 2004. С. - 80.) ва бунда мусулмон мамлакатларидаги цивилизацияни четлаб ўтиб бўлмаслиги”(Хаттингтон С. Столкновение цивилизаций. –М.: АСТ. 2005. с. 54.) ҳақидаги тавсияларини инкор қилиш каби қизиқарли фактлар келтирилган.

Ўртамиёна одам

Оммавий маданият бирор халқ, миллатнинг маданияти эмас. Агар шундай бўлганида эди, у ўзи мансуб миллатнинг ранг-баранг, тарихий ва замонавий идеалларига қурилган эди. Ваҳоланки, бу идеаллар ҳар бир халқ, миллат маданиятида бор, ўзига хос намоён.

Биз комилликка интиламиз. Улуғларга ҳавас қиламиз. Чунки миллий маданият – вертикал(юқорига), оммавий маданият эса горизонтал, ёнга ўсишни таклиф этадди. Ўзбек миллий тарбияси азалдан етук, комил инсонни андаза қилиб олган. Оммавий маданият – роботдек бир хил ўйлайдиган, бир хил(таклиф этилган) нарсага қизиқадиган ўртамиёна одамлар маданияти. Дунёда ўртамиёна одамлар қанча кўп бўлса, бозори шунча бароридан келади. Шунинг учун у ўртамиёна одамлар сонини кўпайтиради. Тарбиялаб етиштиради. Шундай қилмаса, унинг умри тугайди. У инсонни ўткинчи нарсаларни севиш руҳида тарбиялайди.

Оммавий маданият муҳлисига айланган “Ўртамиёна одам”да ҳамма нарса ўртамиёна бўлади. Билим, имон, инсоф, ҳаё, садоқат ҳам...

Ўртамиёна одамнинг қилган иши ҳам, айтган гапи ҳам ўртамиёна. Унинг ватанпарвар, фидойи, ростгўй, инсофли бўлиши қийин. Чунки одам бундай бўлиши учун у эркин фикрлаши керак. Мустақил фикрловчи, талабчан одамлар қанча кўп бўлса, оммавий маданиятнинг бозори шунча касод бўлади. Улар ўзларига таклиф этилаётган бемаза, саёз, бетайин маданият ва санъат асар(маҳсулот-товар)ларига қайрилиб ҳам қарамайдилар. “Оммавий маданиятчилар” уларни авраш учун “юлдуз”ларни, олимларни ёллайдилар. Ана шунинг учун ҳам “оммавий маданият”нинг оқ деган нарсаси оқ эмас, яхши дегани яхши эмас, рост дегани рост эмас, чой дегани чой эмас. Оққа, ростга, чойга ўхшаган нарсалар, суррогатлардир.

Миллий маданиятларчи? Улар ўртамиёналикни кўтармайди. Ғаши келади, ор қилади. Танқид қилади. Юксалишни талаб қилади. Дарвоқе, “Ўзи ўртамиёналик кимга керак?” деган савол туғилади. Бу ўртамиёналикдан даромади ошадиган гуруҳларга керак. Миллионлаб нусха ўртамиёна маҳсулотларни “зўр” деб ўтказиб, пуллаши учун. Бунинг учун аввал одамларнинг диди ўлдирилиб, улар асл қадриятлардан бегоналаштирилади. “Бизга шу ҳам бўлаверади”, - дейдиган авом харидорлар армиясини яратишади.

Маълум бўладики, оммавий маданият бу - сиртига “жуда яхши” деган ёзув ёпиштирилган, лекин ўзи сифатсиз матоҳ экан. Уни ясовчи – қаллоб экан. Ақлли, талабчан, зийрак одамлар ўзлари ейдиган, ичадиган, киядиган, эшитадиган, кўрадиган, ўқийдиган маҳсулотларига юксак талаб қўйишади. Яхши маҳсулот кўп маблағ, вақт, юксак ақл, технологияларни талаб қилади. Бунда “оммавий маданият”нинг ишлаб-чиқарувчиларига фойда кам тушади. Уларга эса фойда жуда керак. Жуда тез ва кўп керак.

Ёшларни қандай аврашади?

Бировнинг эчкиси ҳовлимизга кириб, бултур эккан олма кўчатимизни кемирса, деразадан қараб туриб, “Тўйса, кетар”, деймизми? Йўқ. Боламизга ачиган овқатни едирмоқчи бўлаётган одамни ғажиб ташлаймиз. Лекин уларнинг маънавиятини, дидини заҳарлаётганларини ё билмаймиз, ё билиб ҳеч нарса қилмаймиз. Нега? Бунинг сабаблари бизнингча қуйидагича:

А. Бунинг зарар эканлигини билмаймиз

Б. Зарар эканлигини биламиз. Бироқ, унга қарши нима қилиш кераклигини билмаймиз. Эшитмаганмиз. Кўрмаганмиз.

В. Биламиз. Эшитганмиз. Кўрганмиз. Лекин амал қилмаймиз.

Қандай қилиб оммавий маданият турли ирққа, миллатларга, динларга, маданиятларга, ёш, касбларга мансуб миллионлаб одамларнинг маданий эҳтиёжларини эгаллаб олаётир? Бу савол бизга “оммавий маданият”нинг тарбия механизмини – шахсни нивелировка қилиш “йўллари”ни кўрсатиб беради. Бунинг биринчи йўли – дидни бирхиллаштириш. Бу болалиқдан бошланади. “Болалар яхши нарсаларни эмас, балки бировларга ёқадиган нарсаларни яхши кўришга ўргата борилади. Янги нарсани, демак, ҳозир энг яхши нарса – шу.

Боланинг саводи чиқади. Ана энди у реал одамларга эмас, суперменларга, аввал ўйлаб, кейин иш қилувчиларга эмас, таваккалчи авантюристларга ўхшашга ўргатила бошланади. Чунки минглаб комикслар, болалар тележурналлари шунга қаратилган. Шу тариқа “оммавий маданият” болани халқидан, миллатидан тортиб олади. Миллий тарбия тизими бузилади. Ўз товарларини сотиб олувчи истеъмолчиларнинг янги авлодлари етишиб чиқадиган инкубаторларни яратадилар. Онгини “оммавий маданият” эгаллаган йигит-қиз ҳаётида мўътадиллик, маром, ором йўқолади. Шошиб яшайди. Шошиб ишлайди. Шошиб ўйлайди. Шошиб овқатланади. Тўхта олмай, яшай олмай,... ўтиб кетади.

Китч

“Оммавий маданият” маҳсулотлари “китч” маҳсулотлар дейилади. Китч (немисча) “арзонлаштириш”, “арзон нарсага айлантириш” дегани. Социолог Герман Брохнинг фикрича китч бу – “ўхшатиш, тақлид қилиш тизими”дир(1969 й.). Олим нимани нимага ўхшатиш ҳақида гапирётир? Албатта қалбаки нарсани асл нарсага. Ёмон нарсани яхши нарсага. Хунук нарсани гўзал нарсага. Бу – уйида қўлбола усулда тиккан костюмга дунёдаги машҳур фирма, компаниянинг белгиларини ёпиштириб кўйишга ўхшайди. Демак, китч – асл нарса эмас, қиммат нарсанинг арзонлаштирилган ясама нусхаси. Сунъий нарса яратиш, демакдир.

Бу ахлоққа ҳам қўлланмоқда. Яъни меҳрибон бўлиш эмас, меҳрибонга ўхшаб кўриниш, ҳақиқий дўст бўлиш эмас, ҳақиқий дўстга ўхшаш ва ҳ.к. Натижада ахлоқ – псевдоахлоқ билан алмашади. Яхшилик ўрнини “яхшилик” эгаллайди. Шакл мазмунни сиқиб чиқаради.

Оммавий маданият энг муҳим кадриятларни эмас, иккинчи даражали нарсаларни, икир-чикирларни драматиклаштиради. Бўрттиради. Улардан фожиалар ясайди. Экранларда одамларни секс, жиноятчилик, ёвузлик сахналари кутиб туради. Бунинг учун одамларда уларга қизиқиш уйғотилади. Маънан қашшоқлашган миллионлаб одамлар ана шу “товар”ларнинг истеъмолчиларига айлантирилади. Талаб шакллантирилади. Харидор тайёр. Товар тайёр. Сотилади. Марҳамат, миллионлаб даромадга эгалик қилинг.

Одамларга ҳамёнбоп товар-асарлар реклама қилинади. Улар сотиб оладилар, томоша қиладилар, тинглайдилар. Одамларни сотиб ололмайдиган нарсаларни... истамайдиган қилиб тарбиялашади.

“Биз ё бахтни, ёки “юксак санъат”ни танлашимиз керак эди. Биз “юксак санъат”дан воз кечдик. Унинг ўрнига сезимли ва ҳидли кинога эга бўлдик”, дейди инглиз ёзувчиси Олдос Хаксли(1946й.). У санъат ёмон ниятли одамлар қўлига тушса, одамлар онгига стереотипларни уриб киритувчи курулга айланишидан огоҳлантирган эди: “Бугун Бахнинг мусикаси ошхонада эшиттирилмоқда. Янги кир ювиш кукуни, қўлтиқ терлашига қарши гелъ рекламасида Бетховеннинг 9-симфонияси “ишлатилаётир”. Ҳайвонлар қабристонидан берилган репортажда мархум маймунни кўмишда Моцартнинг куйи чалиб турилди ва ҳ.к.

Мана шунга ўхшаш воқеалар таъсирида фантаст ёзувчи Ллойд Биггл “Муסיқа ясовчи” қиссасини ёзади. Қиссада кўрқинчли ХХIУ аср тасвирланади. Бу даврга келиб, ҳақиқий бастакор-композитор қолмайди. Композиторларнинг ўрнини муסיқа ясовчи устмонлар эгаллаб олади. Улар реклама учун куй ясаб сотиб, тирикчилик қилишади. Улар ўз ижодий кечаларини, яккахон концертларини колбаса ёки совунга бағишлаб ёзган “бебаҳо” асарлари билан бошлайдилар. Китч ясовчи устмон танбур чалишни билмайдиган танбур устасига ўхшайди.

Ихтиёрини оммавий маданият олиб қўйган одамдан “Рўзи Чориевнинг “Тонг” асари қандай?”, деб сўрасангиз у “Зўр” дейди. “Нимаси?”, десангиз... елка қисиб қўя қолади. Нега деганда у картинага қарайди, лекин ҳеч нарсани сезмайди. Туймайди. Бошқалар нимани “зўр” деса, ўшани “зўр” деб юраверади. Шу тариқа оммавий маданият шахснинг дидини ўлдириб, миллионлаб одамларни мустақил фикрдан, шахсий муносабатдан, демак, ўзлигидан, “мен”идан жудо қилади.

Ҳақиқий санъатдан сўнг эса одам ўй, хаёлга чўмади. Китч санъати маҳсулотини кўргач, одамда ҳеч нарса қолмайди. “Мен”идан жудо одам учун бебаҳо картина уй девори, мебелли, пардаси рангига мос келиши ёки келмаслигига қараб қиммат касб этиши мумкин. Шашмақомнинг “Рост” мақоми улар учун теран мазмунли куй эмас, уйга “фон” бериб турган сервантдаги чойнак-пиёладек қийматга эга бўлиб қолади. Шундан худо сакласин.

Манипуляция

Ғарбда одамлар онги манипуляция қилинаётганлиги тўғрисида кўп ёзишган. Бу ҳам оммавий маданият “тонги”дан бошланган. Бу ҳақда испан файласуфи Ортега Гасетт: “Кўпчилик одамларда фикр йўқ. Халқ ҳеч қачон, ҳеч қандай фикрга эга бўлмаган. Чунки у борликни назарий англай олмайди. Бу эса унинг тўғри қарорлар қабул қилишига халақит беради. Шундай экан, фикрни одамларнинг миясига ташқаридан, худди машинага мойни сиқиб киргизгандек, босим билан киргишиш керак”(У. Ortega-y-Gasset. Der Aufstand der Massen. Berlin, 1929, s. 140.), деган эди.

Жаноб Гасетт жамиятга ижтимоий фикрни босим остида, зўрлаб сингдириш яхши эмаслигини билади. “Бироқ”,- дейди у, “маънавий хукмронлик бўлмаса, йўлбошчилар бўлмаса, одамлар манипуляция қилинмаса, жамиятда анархия вужудга келади. Бу эса жамиятни инқирозга олиб келади. Жамият нурайди. Емирилади”.

“Оммавий одам”, дейди у “ўйлай олмайди. Унинг фикрлари – мантиқ қобиғига ўралган инстинктлардан бошқа нарса эмас. Шундай экан, ижтимоий фикрни шакллантириш бу – сиёсий тарихнинг умумтортилиш қонунидир”(138-б.).

Шундай олимлар борки, улар халқни оломон деб биладилар ва халққа шундай муносабатда бўлишни тарғиб қиладилар. Француз олими Густав Лебон шулардан

бири эди. “Омма бу – доимо онгли шахсинг йўқолиши ва туйғу ҳамда фикрларнинг бирор йўналишга қаратилиши демакдир. Демак, оломонни бошқариш учун аввало унинг туйғуларига ва тасаввурларига таъсир кўрсатиш керак. Бунинг учун эса ғояларни образларга айлантириш керак. Ана шунда улар(ғоялар) онгостига кириб боради, туйғуларга айланади. Туйғулар омма хулқ-атворининг асосий стимуляторига айланади”(Г. Лебон. Психология народов и масс. СПб., 1896, с. 159). Замонавий “оммавий маданият” ижтимоий психологиянинг ана шу методларига таянади.

“Оммавий маданият” дин ўрнини эгалламоқда. Чунки дин ҳам, оммавий маданият ҳам ўз қавмларига ўзлари яшаётган оламни эмас, бошқа оламлар образларини тасвирлайди. Чунки оммавий маданиятнинг ҳар бир мавзуси – “очиқ кўзлар кўраётган туш”дир(Антонио Грамши).

Ижтимоий фикрни шакллантиришда оммавий ахборот воситалари биринчи ўринда туради. Лекин баъзан улар холис кўриниб, нохолис ишлайдилар. Американинг машҳур юристларидан Кларенс Дарроу бу ҳақда: “Тақдирнинг аччиқ ҳазилини кўрингки, бизнинг воқеликни, ҳаётни бузиб кўрсатиш, ўзгартиришда чексиз эркинликка эга мустақил америка матбуоти америка халқининг озодлик йўлидаги тўсиқлардан бирига айланди”(Irwing Stone. Clarence Darrow for the Defence. N.Y., 1941, p. 48.), дейди.

Журналист, ёзувчи ва драматург Бен Хект “америка газеталарига қараб жаҳонда нима гаплигини билишга уриниш – соатнинг фақат катта милага қараб вақтни аниқлашга уринишга ўхшайди”, - дейди(Robert Cirino. Don't Blame the People. P. 60.).

“Оммавий маданият” назариётчиларининг ғалати қарашлари бор-да. Улар оламда объектив гўзаллик йўқ, ҳамма нарса истеъмолчига, ундаги субъектив мезонларга боғлиқ, деб билишади. Демак, уларнинг фикрича, одамлардаги ўша субъектив мезонлар ўзгартирилса, сиз гўзал деб ҳисоблаган нарсаларни миллионлаб одамлар гўзал дея бошлайдилар.

Телевидение, кинематография, газета, журналлар, реклама одамларда ана шундай реакция, фикр ва муносабатларни тарбиялашга қаратилади. Масалан, реклама. У ақлга эмас, туйғуларга, онг остига қаратилади. “Агар сиз шу товарни сотиб олсангиз, ҳаётингиз бутунлай ўзгариб кетади”, дейишади сизга.

“Оммавий маданият” товарлари аввало оддий ва “кўча одами”га мўлжалланган. Албатта, бундай маҳсулотлар интеллектуал жиҳатдан етарлича ривожланмаган одамлар учун эди, холос. Шунинг учун ҳам “Оммавий маданият”нинг “энг қизиқарли” ва ҳаммага тушунарли мавзулари – мухаббат, оила, карьера, жинойтчилик ва хўрлаш, саргузашт, кўрқинч. Мавзулар эксплуатациясидан унинг эгалари катта даромадлар олмоқдалар.

Оммавий маданият тақлидга андаза беради. (Рекламадаги чиройли актриса колбасани мактаб туради...). Натижада уй бекаси унга тақлидан ўша колбасадан олади. Актрисанинг бахтиёр табассумини эслаб, ўзини унинг ўрнига қўяди. Унга ўхшаб табассум қилади. Кайфияти кўтарилади. Чунки у (актрисанинг айтишича), ширин, сифатли колбаса сотиб олди. Иккинчидан, (ўша актриса тасвирлаган) хушнудликни туйди. Шундай қилиб, одам аста-секин ўзидан кечади, “чиқади”. Бошқа одамнинг дунёқараши, диди билан иш кўрувчи биомашинига айланиб қолади.

Аста секин одамлар кўнгилочар кўрсатувлар берган маълумот, билимларга таяниб яшай бошлайдилар. Чунки ўйлашга вақт, сўзлашишга ҳамдам йўқ. Миллионлаб одамлар орасида танҳо қолган, атомлашган одам ўзи билмаган ҳикматларни болаларига айтиб бера олмайди. Натижада ёш авлодларга момолари, боболари билган, қўллаган, тажриба, эмпирик билимлар етиб келмай қолади. Миллий

донишмандлик ажодлардан авлодларга ўтмай қолади. Ўлади. Одамлар телевидение бўлмаса, ҳаётий вазиятларда мустақил қарор қабул қила олмай қоладилар.

Оммавий маданият оммавий фикрни яратади. Бошқаради. 2007 йил 2 ноябрь. Келинг, ватандошларга кулоқ тутайлик:

- Синглим келин либосларини ижарага берувчи дўкон очди. Кеча кўришган эдик, нолиб қолди. Нима бўлди, десам:

- Кеча бир аёл қизи билан дўконга кириб келди. Французча модада тикилган чиройли кўйлақни танлашди. Бу кўйлақнинг ижараси шу йилнинг ёзида 700-800 минг сўмга чиққан эди. Савдолашдик. Қарасам, юпунроққина одамлар. Ҳозир биласиз, кеч куз. Тўйлар камайиб қолди. Майли, бинонинг ижара пули чиқиб турсин, деб, 200 минг сўмга рози бўлдим. Ана шунда қизи:

- Вой, опа. 200 минг сўм бўлса, яхши эмас эканда-а?, деди. Мен:

- Кўринглар. Энг яхши, замонавий модадаги кўйлақ. Асли ижараси қиммат, сизларга енгиллик бўлсин, деб келиштирдим, дедим.

Гапимга қўшилишди. Қайта-қайта кўришди. Лекин... олишмади. Бошидан 800 минг деб туриб олсам бўлар экан. 700 мингга олиб, хурсанд бўлиб кетишарди”, деди.

Таҳлил: Нега шундай бўлмади? Чунки масалани она-боланинг мустақил фикри ҳал қилмади. Уларнинг яхши молни кўриб, ушлаб турган 4 та кўзи, 4 та қўли ҳам ҳал қилмади. Либосни қиммат ижарага берувчилар тарқатган: “Ижараси 200 минг сўмлик кўйлақ яхши бўлмайди”, деган фикр ҳал қилди. Она-қиз бугун бари-бир бошқа дўкондан ижарага кўйлақ олишади. Фақат қиммат баҳога. Демак, тарқатилган нотўғри оммавий фикр бугун бир ўзбек оиласига 500 минг сўм зарар келтирди. Она-қиз мустақил фикрлаганларида эди, ҳам 500 минг сўм ёнларида қолар, ҳам сифатли кўйлақ олишар эди.

Биз емоқчи, киймоқчи бўлган нарсаларимизни обдон текшириб, кейин олаемиз. Лекин кўраётган, эшитаётган(истеъмол қилаётган) нарсаларимизга, очиғи, эътиборсизмиз. Ваҳоланки, глобаллашув “оммавий маданият”ни ёймоқда. У одамларнинг тафаккурига, мусиқасига, дидига, кийинишига, меню, иморат қуриш, ўзаро муомала, оиласига, оилавий муносабатларига, ҳатто орзуларига ҳам чанг солмоқда.

Нафақат биз, балки барча миллатларга чанг солмоқда. Россия телевидениесига СГУ ТВ деган канал бор. Унда атоқли олимлар маъруза қилишади. Маърузалар сунъий йўлдош орқали дунёга тарқатилади. 2007 йил 20 сентябрь куни ўша каналда ёзувчи, олим Александр Владимиров “Бадий ижоднинг ғояси” ҳақида маъруза қилди. “Онгимиз пасайиб бораётир”, дейди олим ташвиш билан. “Яқинда бир талабамдан: “Пушкинга замондош шоирлардан кимларни биласиз”, деб сўрасам, “Держинскийни”, дейди.

Ҳамма нарса пул билан баҳолана бораверса, биз онгсиз одамларга айланамиз. Ана шунда бизни бошқариш осон бўлади”, - деди куюнчак олим.

Барби

Дунёда энг машҳур кўғирчоқнинг исмини биласизми? Ҳа, топдингиз – Барби. Унинг онаси – муаллифи Рут Хандлер – кўғирчоқлар ясовчи фирма эгаси эди. Барби 2009 йил 9 март куни у 50га кирди. Унинг тўлиқ исми Барбара Миллисент Робертс.

Германияда ўтган асрнинг 50-йилларида карикатура ва комиксларда, “сарик матбуот”да Лилли образи машҳур бўлиб кетди. Лилли – шахвоний ҳисларни жунбушга келтирувчи, шаддод, ўзига бой-бадавлат эрни топиш йўлида ҳеч нарсдан қайтмайдиган шўх котиба эди. У немис эркакларининг қалбини ром этган эди. Унинг

“Мен бадавлат эркактарсиз яшашим мумкин, лекин менинг бюджетим буни кўтармайди!” каби иборалари латифаларга айланган эди.

Кунлардан бир куни Лилли дўконларга чўмилиш либосида чиқди. Полициячи унга “Икки бўлакчи чўмилиш либосида кўпчилик орасида юриш тақиқланади”, - деб огоҳлантиради. Шунда Лилли: “Хўш, икки бўлакдан қайси бирини ечиб ташлашимни истайсиз?”, деб жавоб беради нозланиб.

Лилли газета, журналлар саҳифасидан чиқиб, кўғирчоққа айланади.

Барбининг бўлажак онаси Рут хоним ўша пайтда ижодий ғоя излаб Европа сафарига чиқади ва Лиллини кўриб қолади. Кўғирчоқ ўзида эркактарнинг гўзал аёл ҳақидаги барча орзуларини мужассам этган эди. Нозик бел, балқиб чиққан кўкрак, узун оёқлар, завқли чехра... У - Лилли эди. Лиллининг жозибаси эркактарни ўзига ром қилар эди. Дўконда унинг пеньюарлари, ички кийимлари, либосларини ҳам сотиб олиш, уни ҳоҳлагандек кийинтириб-ечинтириш мумкин эди. Лилли аслида катталар учун ана шундай ўйинчоқ сифатида тайёрланган эди. Ўша пайтларда Европада секс-дўконлар йўқ эди. Лилли тамаки сотиладиган дўконларда сотилар эди.

Рут хоним дарҳол Лиллини ясаб сотиш учун патентни сотиб олади. Кўғирчоқнинг қиёфасига айрим ўзгартишлар киритди: эркактарга “менга қаранг” деб “ташланувчи” нигоҳ бироз юмшатилади, тошиб чиққан кўкрактар ҳажми бироз кичрайтирилди, боши болаларникига ўхшатилади.

Шундай қилиб, аёллар танасидаги энг муҳим жойларни ўзида намоёиш қилувчи, қомати “лампа шиша”ни эслатувчи кўғирчоқ - Барби дунёга келди. Унда эркактарнинг талаблари ва аёлларнинг таклифлари мужассам эди.

1959 йил 9 март куни Барби Нью Йоркдаги болалар магазинига савдога чиқарилди. У негадир биринчи қадамлариданоқ қоқилди. Сотувчилар уни сотишдан бош тортишди. Нега деганда у бола эмас эди. У ўзида балоғат ёшидаги аёл жисмидаги барча бўртиб турадиган жойларини яққол кўриниб турадиган, эркактарнинг шахвоний ҳисларини жунбушга келтирувчи ёш аёл сиймосини гавдалантирган эди.

Ана шунда Барбининг “онаси” Рут хола унинг кўкраги болаларникидек эмаслигидан уялди, шекилли, кўкрагини кичрайтирмоқчи бўлади. Психологик Эрнест Дихтерга маслаҳатга боради. У кўп ўйлаб... Барбининг кўкрагини... янада каттароқ қилишни маслаҳат беради. “Оналар норози бўлишса нима қиламан”, дейди Рут хоним. “Хавотирланманг. Биз уларга: Барби қизингизни дид билан кийинишга, косметикадан қандай фойдаланишга, ўзини қандай тутишга, гўзал ва самарали кўрсатишга ўргатади, деймиз. Ҳозир – 50-йиллар. Уруш азоблари аёлларнинг ёдида турибди. Улар қизларини маза қилиб роҳатда яшашини истайдилар. Буни Барби кўрсатади”, дейди Эрнест. Шундай бўлди ҳам. Барби иккинчи жаҳон урушидан кейин бошланган истеъмол даврининг рамзига айланди. У кўғирчоқ эди, лекин у одамларни кўғирчоққа айлантира бошлади. Барби мода индустрияси, шоу-бизнес, гламур, аёл танасига сиғиниш, косметика, пластик хирургия, фитнеснинг рамзи ва моторига айланди. У аёлларнинг онгини ана шу тушунчалар сошлаб борди.

60-йилларга келиб унинг Кен деган жазмани пайдо бўлди. Аслида Кен – Рут хонимнинг ўғлининг исми. Унинг ҳаёти ҳам фожиали. У 1994 йилда ОИТС касалидан ўлим топди. Бесоқолбозликдан. Ғарбдаги одатий тушунчаларда айтганда, “ноанъанавий жинсий алоқа”лар уни ноанъанавий ўлимга олиб келди.

Илгари қизалоқлар кўғирчоқларини овқатлантириб, йўргаклаб, бешикка солиб тебратиб, оналик ролини ўйнаб келган. Лекин Барби бунга кўнмас эди. У билан боладек ўйнаб бўлмас эди. У чақалоқ, гўдак эмас, балоғатга етган, дуркун, аёл эди. У

болаларнинг эмас, эркалар ўйинчоғи эди. Уни эркалар, ўпишар, сийпалашар, севишар эди. Ана шунда 50-йилларнинг гўдак қизалоқлари бир сирни кашф қилишди: демак, сеvimли бўлиш учун Барбига ўхшаш керак! Барбидек кўриниш керак. Барбидек кўрсатиш керак. Ҳамма нарсени. Мана бундай:

Шундай қилиб Барби қизалоқлардан беғубор, маъсум болалигини тортиб олди. Уларни болаликнинг хайратга тўла, содда эртақлар оламидан чиқариб, эркалар оламига солди. Уларга эркаларнинг жинсий талабларидан “кўрғазмали” дарс ўтди. 60-йилларда “озод севги” инкилобини тайёрлади. Қизалоқларнинг бир қўлини – ота-боболари, бувиларидан қолган миллий маънавият, иккинчи қўлини “озод севги” тортиди. “Озод севги” енгиб чиқди.

Барби 50 ёшда. Энди ўзи ҳам она, буви. “Озод севги”дан кўп балолар туғилди. Уларнинг тўнғичи – ОИТС бўлди. Ўртанчиси – гомосексуализм. Кенжаси - оммавий маданият.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ислон Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: 2008.
 2. Бьюкенен П. Дж. Смерть Запада. /П. Дж. Бьюкенен; Пер. с англ. А. Башкирова. –М.: ООО “Издательство АСТ; СПб.: Terra Fantastica, 2003. -444с. 68-б.
 3. Конец фильма // Ведомости, 7 ноября 2007 года.
 4. Танец в системе массовой культуры. Л.П. Морина. Российская массовая культура конца XX века. Материалы круглого стола. 4 декабря 2001 г. Санкт-Петербург. СПб.: Санкт-Петербургское философское общество. 2001. С.43.
 5. Бьюкенен П. Дж. Смерть Запада. /П. Дж. Бьюкенен; Пер. с англ. А. Башкирова. –М.: ООО “Издательство АСТ; СПб.: Terra Fantastica, 2003. - 444 с. (Великие противостояния. Америка против Америки).
 6. О.Платов, Г.Райзеггер. “Почему погибнет Америка?” М.: 2005.
 7. Қахҳорова М. Маънавий идеал ва жамият ахлоқий муҳити” .- Т.: ТДПУ нашри, 2007. - 44 б.
 8. Йонас Г. Принцип ответственности. –М.: Астра. 2004. С. - 80.
 9. Хаттингтон С. Столкновение цивилизаций. –М.: АСТ. 2005. с. 54.
 10. Y. Ortega-y-Gasset. Der Aufstand der Massen. Berlin, 1929, s. 140.
 11. Г. Лебон. Психология народов и масс. СПб., 1896, с. 159.
 12. Stone I. Clarence Darrow for the Defence. N.Y., 1941, p. 48.
- Cirino R. Don't Blame the People. 2004. P. 60.